

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати 2026 йил январь-июнь

- I. Ялпи ички маҳсулот
- II. Саноат ишлаб чиқариши
- III. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги
- IV. Инфляция даражаси ва истеъмол нархлари индекси
- V. Асосий капиталга инвестициялар
- VI. Бажарилган қурилиш ишлари
- VII. Чакана савдо товар айланмаси
- VIII. Ташқи савдо айланмаси
- IX. Кўрсатилган бозор хизматлари
- X. Корхона ва ташкилотлар сони



I. Ялпи ички маҳсулот

Дастлабки маълумотларга кўра, 2026 йилнинг январь-июнь ойларида Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда **1 072 670,1** млрд сўмни ҳамда 2025 йилнинг мос даври билан таққослаганда реал ўсиш суръати **8,5 %** ни ташкил этди.

Саноат тармоғининг ўсиши **8,0 %** ни ва ЯИМ ўсишига ижобий ҳиссаси **2,0** фоиз пунктни (ф.п.) ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг ўсиши **4,7 %** ни ва ЯИМ ўсишига ижобий ҳиссаси **0,7** ф.п.ни ташкил этди.

Қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиши **13,7 %** ни ташкил этди. Қурилиш тармоғининг ЯИМ ўсишига ижобий ҳиссаси **1,0** ф.п.ни ташкил этди.

Хизматлар кўрсатиш соҳасида ўсиш суръати **9,2 %** ни ташкил этди. Шундан савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар **13,5 %** га, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа **18,6 %** га ҳамда бошқа хизмат соҳалари **4,1 %** га ўсди. Хизматлар кўрсатиш соҳасининг ЯИМ ўсишига ижобий ҳиссаси **4,4** ф.п.ни ташкил қилди.

Маҳсулотларга соф солиқлар ҳажми **8,3 %** га ўсди ва унинг ЯИМ ўсишига ижобий ҳиссаси **0,4** ф.п.ни ташкил этди.



II. Саноат ишлаб чиқариши

2026 йилнинг январь-июнь ойларида республика корхоналари томонидан **637 205,9** млрд сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва саноат ишлаб чиқариши индекси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **108,0 %** ни ташкил этди.

Шу билан бирга, саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида ишлаб чиқарадиган саноатнинг улуши **86,3 %**, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноати **6,7 %**, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш **6,5 %**, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш **0,5 %** ни ташкил этди.

Саноат ишлаб чиқариши ўсишининг асосий омили бу ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **8,8 %** га, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда **7,9 %** га, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноатида **2,1 %** га, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш саноатида физик ҳажм индекси **15,9 %** га ошганлигидир.

Қайта ишлаш саноати ҳажмларининг ўсишига бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқаришнинг ўсиши (2025 йилнинг январь-июнь ойларида нисбатан **167,5 %**), ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), похол ва тўқиш учун

материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш (**148,3 %**) ва компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш (**136,8 %**)нинг ўсиши таъсир кўрсатди.

Шу билан бирга, бошқа транспорт ускуналарини ишлаб чиқаришда (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **93,5 %**) ишлаб чиқариш ҳажмларининг пасайиши кузатилди.



III. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги

2026 йилнинг январь-июнь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот(хизмат)лари ҳажми **270 952,6** млрд сўмни ёки 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **104,7 %** ни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачиликда, овчиликда ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – **254 679,6** млрд сўмни (**104,5 %**), ўрмон хўжалигида – **14 338,2** млрд сўмни (**106,6 %**), балиқчилик хўжалигида – **1 934,8** млрд сўмни (**135,6 %**) ташкил қилди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот(хизмат)лари ҳажмининг ошиши, асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажмининг кўпайганлиги (**3,8 %**) билан боғлиқ. Барча тоифадаги хўжаликларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ошиши сабзавотларнинг – **6,7 %** га, донли экинларнинг – **13,8 %** га, картошканинг – **15,5 %** га, полиз экинларининг – **18,2 %** га ошиши билан изоҳланади.

Хўжалик тоифалари бўйича таҳлиллар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг **66,2 %** и деҳқон ва томорқа хўжаликлари, **24,4 %** и фермер хўжаликлари, **9,4 %** и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи хўжаликлар ҳиссасига тўғри келишини кўрсатмоқда.



IV. Инфляция даражаси ва истеъмол нархлари индекси

2026 йилнинг январь-июнь ойларида республика истеъмол секторидаги инфляция даражаси **3,3 %** ни ташкил этди.

2026 йил январь-июнь ойларида озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўртача **2,4 %** га қимматлашиб, инфляция даражасига **0,99** ф.п. таъсир қилган бўлса, ноозик-овқат маҳсулотлари нархлари ушбу даврда **3,9 %** га қимматлашиб, умумий кўрсаткичнинг **1,25** ф.п. ўсиш суръатини, хизматлар эса **4,1 %** га қимматлашиб, умумий кўрсаткични қўшимча **1,08** ф.п. ўсиш суръатини таъминлади.

2025 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ юқори чегараси **143,6 %** (“Суғурталаш ва молиявий хизматлар”), қўйи чегараси – **100,4 %** га (“Таълим соҳасидаги хизматлар”) етди.

2026 йилнинг январь-июнь ойларида йиғма ИНИ ўсишига “Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари” ҳамда “Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар” бўлимларидаги нархлар ўзгариши энг катта ҳисса қўшди (умумий ҳисобда **+2,00** ф.п. ёки умумий таъсирнинг **60,2 %** и). Бошқа бўлимларнинг жами ҳиссаси **+1,32** ф.п.ни ташкил этди.



V. Асосий капиталга инвестициялар

2026 йилнинг январь-июнь ойларида, барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар ҳажми **338 944,2** млрд сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **117,5 %** ни ташкил этди.

Шу билан бирга, асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар умумий ҳажмида корхоналар маблағлари ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар улуши **11,4 %** ни, Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар – **6,9 %**, тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлар – **1,4 %**, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар – **69,5 %**, шундан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар

(ТТХИ) – **44,3 %**, аҳоли маблағлари – **5,6 %**, Республика бюджети – **4,8 %**, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси – **0,4 %** ни ташкил қилди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг 2025 йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръатларини молиялаштиришнинг асосий манбалари: Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси – **201,7 %**, Республика бюджети – **153,2 %**, Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар – **145,4 %**, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ) – **122,5 %**, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар – **116,4 %**, тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлар – **114,1 %**, аҳоли маблағлари – **108,8 %**, корхоналар маблағлари – **104,0 %** дан иборат.



VI. Бажарилган қурилиш ишлари

2026 йилнинг январь-июнь ойларида **192 008,1** млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **113,8 %** ни ташкил этди. Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг **48 140,2** млрд сўми ёки **25,1 %** йирик корхона ва ташкилотлар томонидан, **105 671,6** млрд сўми ёки **55,1 %** кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан, **38 196,3** млрд сўми ёки **19,8 %** норасмий сектор субъектлари томонидан бажарилди.



VII. Чакана савдо товар айланмаси

2026 йилнинг январь-июнь ойларида чакана савдо товар айланмаси **251 756,4** млрд сўми ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **20,2 %** га ўсди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 2025 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан **30,0 %** га ўсди, бу эса умумий савдо ҳажмининг **19,7 %** улушига тўғри келади. Кичик бизнес субъектларининг чакана товар айланмаси 2025 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан **15,9 %** га ўсган. Республика миқёсида ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмасидаги улуши **68,9 %** ни, уюлмаган савдо товар айланмаси **11,4 %** улуш билан **28 783,3** млрд сўми ташкил этди.



VIII. Ташқи савдо айланмаси

2026 йилнинг январь-июнь ойлари якуни билан республиканинг ташқи савдо айланмаси **41 011,1** млн АҚШ долларини ташкил этиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **2 830,9** млн АҚШ долларига ёки **7,4 %** га кўпайди. Экспорт ҳажми **15 862,3** млн АҚШ долларини ташкил этди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **8,8 %** га камайди. Импорт **25 148,9** млн АҚШ долларига етиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **21,0 %** га ошди.

Экспорт таркибида товарлар улуши **60,9 %** ни ташкил этди, шу жумладан саноат маҳсулотлари – **14,6 %**, турли хил тайёр буюмлар – **8,6 %**, озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар – **8,3 %**.

Импорт таркибида асосий улушни машиналар ва транспорт ускуналари (**32,8 %**), саноат товарлари (**13,9 %**), шунингдек кимёвий моддалар ва уларга ўхшаш маҳсулотлар (**12,1 %**) ташкил этди.



IX. Кўрсатилган бозор хизматлари

2026 йил январь-июнь ойларида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми **664 914,4** млрд сўми ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **16,9 %** га ўсди.

Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг ўсишига савдо соҳасида ишлаб чиқариш хизматларининг **14,9 %** га (кўрсатилган умумий бозор хизматлари ҳажмининг ўсишидаги таъсири – **3,9** ф.п.), молиявий хизматларнинг **26,3 %** га (ўсишдаги таъсири

3,8 ф.п.), транспорт хизматларининг **14,7 %** га (ўсишдаги таъсири **2,4** ф.п.), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг **11,6 %** га (ўсишдаги таъсири **2,0** ф.п.), шунингдек, алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг **22,1 %** га (ўсишдаги таъсири **1,7** ф.п.) ўсиши ижобий таъсир кўрсатди.

Кўрсатилган бозор хизматларининг энг катта ҳажми савдо хизматлари (**169 953,7** млрд сўм, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати — **114,9 %**), транспорт хизматлари (**115 153,8** млрд сўм, ёки **111,6 %**), молиявий хизматлар (**104 232,5** млрд сўм, ёки **126,3 %**), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (**103 936,6** млрд сўм, ёки **114,7 %**)га тўғри келади.



Х. Корхона ва ташкилотлар сони

2026 йил 1 июль ҳолатига республикада фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг сони **505,4** мингтани (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) ташкил этди, улардан кичик корхона ва микрофирмалар **435,4** мингта. Худудлар бўйича жойлашган энг кўп сони эса Тошкент шаҳри (**113 510** та), Тошкент (**49 841** та), Самарқанд (**43 874** та), Фарғона (**39 889** та), Қашқадарё (**32 838** та), Бухоро (**30 798** та) ва Хоразм (**29 861** та) вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг энг кўп сони савдо соҳасида — **162 867** та, саноат соҳасида — **63 312** та, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги соҳасида — **39 464** та, қурилиш соҳасида — **32 691** та ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида — **33 547** тани ташкил этди.

2026 йил январь-июль ойларида республикада **45,4** мингта корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилди, шундан **44,0** мингтаси кичик корхона ва микрофирмалардир.

2026 йил 1 июль ҳолатига кўра республикада чет эл инвестициялари иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналар сони **20 502** тани ташкил этди. Уларнинг **4 611** таси қўшма корхоналар ва **15 891** таси хорижий корхоналардан иборат.

Тайёрлаш учун масъул:
Статистика маълумотларини
тарқатиш бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63
Контактлар: info@stat.uz
Тел.: +998 71 203-80-00 (1045)

